

(1614- Балх -1681)

(1645-1680)

Аштархонийлардан бўлган Бухоро хони. Бухоро хони Надрмухаммадхоннинг ўгли. 1626-йилдан Хутталон ҳокими, 1630-йилдан Балхнинг гарбий туманлари ҳокими, 1645-йилда бир гуруҳ фитначи амирлар отаси Надрмухаммадхоннинг пойтахтда йўқлигидан фойдаланиб Абдулазизни Бухоро хонлиги тахтига ўтказган. У марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга ҳаракат қилган, мамлакат ободончилигига бирмунча ҳисса қўшган. Бухорода кўпгина мухташам бинолар қурдирган (Абдулазизхон мадрасаси -1652-йилда қурилган ва б.).